


**Муфтий ҳазратларининг мусулмон уммати
учун йўллаган рамазон ойи табриклари
нуфузли халқаро ташкилот - мусулмон
донишмандлар кенгашининг саҳифаларида
эълон қилинди**



17:19 / 13.03.2024 1473

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратларининг Ислом умматини Рамазон ойи билан муборакбод этган табриклари нуфузли халқаро ташкилот - Мусулмон донишмандлар кенгашининг ижтимоий тармоқларида эълон қилинди.

- Аллоҳ таолога беадад шукрлар бўлсинки, Ҳақ таолонинг раҳмат ойи - муборак Рамазон ойи кириб келди. Бу ой ахлоқни сайқаллаш, гўзал

хулқлар билан зийнатланиш учун ғанимат фурсатдир. Зеро, бу ой – раҳмат, мағфират, ўзаро ҳамжиҳатлик ва раҳм-шафқат ойдир, - дейилади қутлов муқаддимасида.

Муфтий ҳазратлари ўз табрикларида бу ойда кичик бир яхшиликка кўп ажр-савоб бериладиган, хато-ю гуноҳлар кечириладиган ой эканини эслатиб, рўза ибодатини иймон билан савоб умидида тутиш, кечаларни қоим қилиш гуноҳларга каффорат бўлади, дея бу вақтларни унумли ўтказишга чорлаганлар. Шунингдек, мусулмонлар йил давомида Рамазон ойини интизорлик билан кутиши, ўзгача завқ ва шавқ, тоат-ибодат билан ўтказишларини ҳам алоҳида қайд этганлар.

“...Имом Бухорий ватани бўлган Ўзбекистон халқи, қолаверса, Ўзбекистон мусулмонлари идораси номидан жамики мўмин-мусулмонларни Рамазон ойи кириб келиши билан самимий қутлайман. Аллоҳ таолодан бу ойнинг фазилатларидан тўлиқ истифода қилишга тавфиқ бериши сўрайман”, - дейилади табрик хотимасида.

Мазкур табрикни қуйидаги ҳаволалар орқали кўриш мумкин:

<https://www.facebook.com/share/v/kXkpMif6CkG2Hb61/?mibextid=WaXdOe>

<https://x.com/muslimelders/status/1766857556197093489?s=46>

<https://www.instagram.com/reel/C4VwqdTs6w-/?igsh=MWtpMXp0azFoNzBrbQ==>